O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 1 апрель, № 67 (4730) Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди.





Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга, умуман, Ўзбекистоннинг араб дунёси билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Уммон араб дунёсининг нуфузли давлатларидан. Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун бошқа араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Ўз навбатида Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали бутун минтақа билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилғи-энергетика мажмуида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажриба орттирган. Нефть-газ соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор. Икки мамлакат ҳам сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида яхши имкониятларга эга. Хусусан, Уммонда Ўзбекистоннинг тарихий обидаларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишга қизиқиш катта.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Уммонда катта мамнуният билан қарши олинган эди. Халқларимиз кўплаб муштарак анъана ва қадриятларга эга эканлиги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Уммон мутахассислари Ўзбекистонда ўтадиган халқаро илмий анжуманларда мунтазам иштирок этади.

Аҳмад бин Абдунаби Маккий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).
Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, илмий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛГА КИРИТГАН НАТИЖАЛАР ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯХШИ АСОС БЎЛАДИ»

Дунё нигоҳи

«Президент Ислом Каримовнинг асарини алоҳида қизиқиш билан ўқиб чиқдим, — дейди **Италиянинг халқаро иқтисодий ҳамкорлик академияси президенти, «Промотас интернэшнл» консалтинг компанияси директорлар кенгаши раиси Роберто Тассинари Берти.** – Асар Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат иқтисодиётига нисбатан замонавий ва прогрессив ёндашувини акс эттирган. Бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири 2008 йилда пайдо бўлган ва кўлами кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини холис баҳолаш ва шунинг асосида инқироз таъсирини енгиб ўтиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Китобда ҳар томонлама ва холисона таҳлил асосида инқирозни енгиб ўтиш чоралари ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини замонавийлаштириш борасидаги ташаббуслар илгари сурилади. Шу ўринда мамлакат раҳбариятининг микрокредитлаш борасидаги оқилона сиёсатини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишига ишончим комил.

Ўзбекистон Президентининг жаҳон молиявий инқирозидан тезроқ чиқиш ва унинг таъсирини юмшатиш кўп жиҳатдан давлатларнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар билан бирга, дунё ҳамжамияти доирасида ҳам қабул қилинаётган чораларнинг самараси ва ўзаро келишилганлигига боғлиқлиги тўғрисидаги фикрига тўлиқ қўшиламан.

Шу билан бирга, муаммо ва қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон 2008 йилда нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлашга эришгани, инқирозга қарши чоралар дастури ва уни қўллаш механизмларини ишлаб чиққани ҳам аҳамиятлидир.

Менимча, ушбу дастурни амалга ошириш инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун ишончли асос яратиш имконини беради».

Италия савдо-саноат палатаси раиси Л. Иперти мамлакатимиз раҳбарининг китоби ҳақида гапириб, жумладан, шундай деди: «Ўзбекистон Марказий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим ўрин эгаллайди. Бу юрт ҳақида гап кетганда, инсон кўз ўнгида Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари гавдаланади.

Молиявий институтлар, банклар ва жамғарма бозорларига зарба берган жаҳон инқирози капитални жойлаштириш, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг кескин камайишига сабаб бўлиб, бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқариш миқдори ҳамда бандлик даражасининг қисқаришига олиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳам глобаллашув жараёнининг иштирокчиси бўлгани ҳолда, хом ашё ва саноат маҳсулотлари экспорт нархининг пасайиши туфайли даромаднинг камайишини бошдан кечирмоқда. Бироқ ҳар томонлама ўйланган иқтисодий сиёсат, хусусан, иқтисодиётнинг ташқи кредитларга боғланмаганлиги, савдо балансининг ижобий сальдоси ва ички талабнинг ривожланиши эвазига инқирознинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳолатига салбий таъсири имкон қадар паст даражага туширилган.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Уммон Султонлиги ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Уммон Султонлиги Миллий иқтисодиёт вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, нефть-газ, банк-молия, солиқ, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё саноати, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев, Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Уммон кўплаб соҳаларда улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада оширишнинг имкониятлари катта.

— Уммон Ўзбекистон билан муносабатларни, хусусан, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қарайди, — деди Аҳмад бин Абдунаби Маккий. — Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган. Ушбу форум мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишни таъминлашда, икки томонлама иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш, кимё саноати, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Уммон фирма ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ишбилармонлар ўртасидаги шериклик алоқалари кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Ўзбекистон билан Уммоннинг кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, — деди Уммон Султонлиги савдо-саноат палатаси раиси Халил Абдуллоҳ Ал-Хонжий. — Биз Ўзбекистон бозорини ўзимиз учун истиқболли, деб биламиз. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит уммонлик

(Давоми 2-бетда).

ФИДОЙИЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК ВА ФАОЛЛИК

Ўз касбига ана шундай муносабатда бўлганлар Президент совғаси ва эътирофга сазовор бўлдилар.

Хабар берганимиздек, 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Ташаббус – 2009» республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўз ишини давом эттирди.

Шу куни кўргазма заллари, айниқса, гавжум бўлди. Танлов иштирокчилари маҳсулотларининг намойиши ўзига хос кўргазма-савдо тусини олди. Ташкилотчилар буни "Танловга бўлган иштиёқнинг йил сайин ошиб бораётгани, ўз навбатида, бу хўжалик юритувчи субъектларни ратувчанликка, хориж сармоясини жалб этиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга ундамоқда" деб изоҳлашмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва ҳунармандчилик жадал ривожланаётир. Иқтисодиётимизнинг мазкур тармоқларида ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, чет эллики билан бемалол рақобатга кириша оладиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

«Ташаббус — 2009»

Улар маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётгани боис сифати юқори, нархи эса арзон. Буни "Ташаббус — 2009" кўрик-танлови иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси яна бир карра тасдиқлайди.

Бу ерда Тошкент шаҳри, вилояти аҳолиси ва меҳмонлар таклиф этилаётган ранг-баранг маҳсулотлар билан танишиш асносида ўзларига манзурларини харид қилишмоқда. Айниқса, "Барчиной" хусусий корхонасининг маҳсулотлари намойиш этилаётган бурчак одамлар билан гавжум.

— Бу фирманинг маҳсулотларини кўпдан биламан, — дейди тошкентлик харидор Ҳилола Шоисматова. — Кўргазма баҳонасида ишлаб чиқарувчилар билан танишдим. Мен учун бу жуда қизиқ. Уларнинг ўзларидан болаларим учун кийим-кечаклар сотиб олдим. Қаранг, табиий матодан тикилган. Рангиям яхши.

Суҳбатдошимизнинг гапи сабаб бўлди-ю, мазкур корхона фаолияти яқиндан танишишга ҳаракат қилдик.

"Барчиной" — мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил этилган қалдирғоч корхоналардан экан. Тадбиркор ўзи учун яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Туркиянинг замонавий линиялари асосида тизимли ишлаб чиқаришни йўлга қўйибди. Яъни бу ерда калава ипдан мато тўқилиб, унга бўяш цехида гул босилади. Шундан сўнг у моҳир тикувчилар меҳнати билан бежирим либосларга айланади.

Айни пайтда жамоа Германия, Россия давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда корхонанинг Москва шаҳрида "Савдо уйи" очилгани бу юртда унинг маҳсулотларига бўлган талабни янада оширди.

— "Ташаббус" кўрик-танлови биз, тадбиркорларга тажриба алмашиш, энг муҳими, кооперацион алоқалар ўрнатишга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир, — дейди пойтахтлик тадбиркор Шавкат Халилов. — Икки кун ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ҳамкасбларимизнинг фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳамкорлик бўйича келишувларга эришдик. Бу ўзининг натижасини бериши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

Сайёр йиғилиш ўтказилди

Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан сайёр йиғилиш ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги тиббиёт муассасаларининг раҳбар ва ходимлари қатнашган ушбу тадбир ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишига бағишланди.

Парламент ҳаёти

Йиғилишда соҳага оид қонунчиликнинг ижроси, ОИВ инфекцияси профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БЕШИНЧИ БУТУНЖАҲОН СУВ ФОРУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истамбул шаҳрида 16-22 март кунлари Бешинчи бутунжаҳон Сув форуми бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 130 мамлакатидан 30 мингга яқин вакил, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси делегацияси иштирок этди.

Форум иштирокчилари об-ҳавонинг глобал исиши, иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг кўпайиши, ичимлик ва суғориш сувига талаб ортиб бораётгани сабабли сув ресурсларидан оқилона ҳамда адолатли фойдаланиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШҲТ) 2007 йил 16 августда Бишкекда бўлиб ўтган саммитида Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича асосий принцип ва ёндашувларни белгилаб берган эди. Истамбул анжуманида делегатларнинг муҳокамалари ва чиқишларида, шунингдек, форумнинг якуний ҳужжатларида минтақамизни ривожлантириш борасидаги ушбу ўта муҳим масалада Ўзбекистон нуқтаи назарининг асосли экани яққол тасдиқланди ва тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси Президенти Мигель д'Эското Брокманнинг форум иштирокчиларига йўллаган баёнотида «сувни хусусийлаштириш билан шуғулланиб, уни нефть сингари товарга айлантираётганлар одамларни биз нафас олаётган ҳаво каби муҳим ҳуқуқдан маҳрум этаётгани» таъкидланган.

БМТ Бош Ассамблеяси Президенти бу борада Жаҳон банки маълумотларини келтирди. Ушбу маълумотларга кўра, 2025 йилда дунё аҳолисининг учдан икки қисми етарлича тоза сувдан фойдалана олмайди ва шу муносабат билан қуйидагиларни қайд этди:

«Биз бебаҳо ҳаётий манба ҳисобланган сувга нисбатан тор доирадаги, манфаат кўриш мақсадида бошқариладиган ёндашув нафақат инсониятни, балки сайёрамиздаги бутун ҳаётни боши берк кўчага солиб қўйишини тан олишимиз лозим».

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) президенти Ж. Диоф ҳам ушбу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлади ва «сувдан фойдаланиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланиши ва уни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини» алоҳида таъкидлади.

— Сув инқирози энергетика ва молиявий инқироздан кўра хавфлирок, — деди Ж. Диоф.

Европа Иттифоқига раислик қилаётган Чехия Республикасининг атроф-муҳит масалалари бўйича вазирининг ўринбосари Ян Дусик сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро ҳуқуқнинг муҳимлигига эътибор қаратди.

— Сувдан фақат ўз манфаати учун фойдаланиш мумкин эмас, барча давлатлар БМТ қабул қилган Халқаро конвенциялар принципларига таяниши лозим, — деди Европа Иттифоқи номидан сўзга чиққан Ян Дусик.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛГА КИРИТГАН НАТИЖАЛАР ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯХШИ АСОС БЎЛАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Ислом Каримов мамлакат 2008 йилда эришган ижобий натижалар ҳақида ғурур билан гапиради. Шу ўринда 2008 йилда ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш 9 фоизни, саноатда эса бу кўрсаткич 12,7 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтишни истардим. Экспорт 28,7 фоизга ўсди, давлат бюджети ортиғи билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди. Бу рақамлар кишини ҳайратга солади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш тизимини модернизация қилиш, кенг кўламли хусусийлаштириш, ажратилган кредитлар ва берилган имтиёзлар иштирокида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ва замонавий технологияларни жорий қилишга қаратилади. Шу билан бирга, дастур қишлоқ жойларда янги инфратузилмани барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқаришни такомиллаштириш каби вазифаларни назарда тутиб, бу ялпи ички маҳсулотни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшади ва мамлакат аҳолисининг асосий қисмини иш билан таъминлаш имконини беради».

Президентнинг асарини шарҳлаб, **иқтисодиёт профессори, Европа халқаро муносабатлар институти вице-президенти Ж. Липпер хоним** совет давлати парчаланганидан сўнг Ўзбекистон ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечирганига эътибор қаратди. Олиманинг айтишича, ўша давр учун юқори даражадаги инфляция хос бўлиб, айни пайтда мамлакатда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида инфляциянинг 6,5 фоиз даражасида бўлиши таъминланмоқда ва бу жуда муҳим аҳамият касб этади.

— Инқироз бошланмасдан туриб қ Ўзбекистонда ривожланиш ва саноатни диверсификациялашни таъминлашга қаратилган микрокредитлаш жараёни бошлангани эътиборга молик, — дейди Липпер хоним. — Шу маънода, мамлакат ҳукуматининг юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасидаги режалари ҳам муҳим. Ўзбекистон қўлга киритаётган натижалар мамлакатда инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади.

Бельгия дипломатия клуби президенти, «Ля газет дипломатик» журнали муҳаррири Р. Буассен Ўзбекистон Президентининг ҳозирги вақтда молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан чиқиш ҳақида гапириш кераклиги тўғрисидаги фикрига эътибор қаратди.

«Ўзбекистон шароитида инқирозлан чиқиш стратегияси «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланади, — деди Р. Буассен. — Шу маънода, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ўз вақтида ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилаётганини таъкидлашни истардим. Унда иқтисодиётга устувор эътибор қаратилиб, Президент томонидан белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини кучайтиришга қодир бўлган воситалар бирлаштирилиши назарда тутилади.

Аҳамиятлиси, инқирозга қарамай, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президент илгари белгиланган йўналишдан қатъий бориб, босқичма-босқич тараққиёт сиёсатини давом эттирмоқда ва бу, ўз навбатида, мамлакат аҳолиси томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Президент асарида мамлакат раҳбарининг айни пайтда дунёда кечаётган ҳодисаларга бўлган глобал даражадаги нуқтаи назари акс этган. Китобда ҳеч бир соҳа — қишлоқ хўжалиги, ижтимоий инфратузилма, жадал тараққиёт, мамлакатни модернизациялаш, транспорт салоҳиятини юксалтириш назардан четда қолмаган, китоб тараққиётнинг барча йўналишларини қамраб олиб, қилиниши керак бўлган ишларни аниқ белгилаб беради».

Қуддус шаҳри университети Осиё ва Африка мамлакатлари институти профессори Владимир Месамеднинг таъкидлашича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози илгари учрамаган ҳолат бўлиб, бир қарашда бақувват, аслида эса анчайин заиф иқтисодиётга эга бўлган йирик мамлакатларни ҳам, эндигина тикланиш жараёнлари кетаётган давлатларни ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда. Ёш мустақил давлатлар учун инқирозга қарши туриш уларнинг ривожланиш ва ислоҳотларини амалга оширишга қодир эканини, иқтисодий модели барқарор эканини амалда исботлаш учун берилган тарихий имкониятдир.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Марказий Осиёдаги масалаларнинг ҳал этилиши минтақа мамлакатлари раҳбарларининг прагматиклиги даражасига, уларнинг ялпи ички маҳсулот камайишининг олдини олиш, хўжалик фаолияти сустлашувини енгиб ўтишга қодир бўлган ва чуқур ўйланган иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда давлат ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадаги бош ислоҳотчи бўлгани боис мамлакат инқироздан энг кам йўқотишлар билан чиқиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Президентининг янги асарида келтириб ўтилган Инқирозга қарши чоралар дастури замонамизнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасида тўлиқ ва ҳар томонлама жавоб беради. Тажрибали иқтисодчи ва молиячи бўлган Президент Ислом Каримов инқирозлан чиқишда мамлакатнинг барқарор ҳимоя механизмларига эга бўлган иқтисодиётини асос қилиб олди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланувчи босқичма-босқич ривожланиш доирасида ҳаракат қилиб, улкан ресурс базасига таянган ҳолда кўплаб бошқа давлатларда бошланган иқтисодий бекарорликка ўзининг молиявий-иқтисодий, бюджет ва банк тизими салоҳияти билан қарши тура олиш имконига эга эканига ишончи комил.

Асарда келтириб ўтилган иқтисодий ривожланиш натижалари ҳам бундан далолат бериб, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қатъий ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига глобал молиявий-иқтисодий инқироз таҳдидларига астойдил қарши туришда муваффақиятлар тилашни истардим, зеро, бу мустақил Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётганини яна бир бор исботлайди».

Хитойнинг «Sinacot Textile Co., LTD» компанияси бош менежери Франк Жианг Президентнинг асарида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, дунё молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда юмшатишга хизмат қилган омиллар чуқур таҳлил қилинганига эътибор қаратди.

Ишбилармоннинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентининг янги асарида келтириб ўтилган Инқирозга қарши чоралар дастури замонамизнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасида тўлиқ ва ҳар томонлама жавоб беради. Тажрибали иқтисодчи ва молиячи бўлган Президент Ислом Каримов инқирозлан чиқишда мамлакатнинг барқарор ҳимоя механизмларига эга бўлган иқтисодиётини асос қилиб олди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланувчи босқичма-босқич ривожланиш доирасида ҳаракат қилиб, улкан ресурс базасига таянган ҳолда кўплаб бошқа давлатларда бошланган иқтисодий бекарорликка ўзининг молиявий-иқтисодий, бюджет ва банк тизими салоҳияти билан қарши тура олиш имконига эга эканига ишончи комил.

Асарда келтириб ўтилган иқтисодий ривожланиш натижалари ҳам бундан далолат бериб, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қатъий ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига глобал молиявий-иқтисодий инқироз таҳдидларига астойдил қарши туришда муваффақиятлар тилашни истардим, зеро, бу мустақил Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётганини яна бир бор исботлайди».

Хитойнинг «Sinacot Textile Co., LTD» компанияси бош менежери Франк Жианг Президентнинг асарида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари, дунё молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва унинг олдини олиш ҳамда юмшатишга хизмат қилган омиллар чуқур таҳлил қилинганига эътибор қаратди.

Ишбилармоннинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президентининг янги асарида келтириб ўтилган Инқирозга қарши чоралар дастури замонамизнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасида тўлиқ ва ҳар томонлама жавоб беради. Тажрибали иқтисодчи ва молиячи бўлган Президент Ислом Каримов инқирозлан чиқишда мамлакатнинг барқарор ҳимоя механизмларига эга бўлган иқтисодиётини асос қилиб олди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатнинг «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг» тамойилига асосланувчи босқичма-босқич ривожланиш доирасида ҳаракат қилиб, улкан ресурс базасига таянган ҳолда кўплаб бошқа давлатларда бошланган иқтисодий бекарорликка ўзининг молиявий-иқтисодий, бюджет ва банк тизими салоҳияти билан қарши тура олиш имконига эга эканига ишончи комил.

Асарда келтириб ўтилган иқтисодий ривожланиш натижалари ҳам бундан далолат бериб, бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қатъий ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига глобал молиявий-иқтисодий инқироз таҳдидларига астойдил қарши туришда муваффақиятлар тилашни истардим, зеро, бу мустақил Ўзбекистон тўғри йўлдан кетаётганини яна бир бор исботлайди».

Хитойнинг Циньдао шаҳри Савдо-саноат палатаси раиси Суй Жэннинг таъкидлашича, ўтган йиллар давомида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришилган муваффақиятлар, иқтисодиётнинг жадал суръатда ўсиши, аввалambor, Ўзбекистонда бир пайтлар амалга оширила бошланган чуқур ўйланган ва узоқни кўзловчи сиёсатнинг самараси бўлиб, у иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш ва диверсификациялаш, қисқа муддат ичида мамлакат учун янги бўлган соҳаларни ўзлаштириш, модернизация дастурини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий бозор инфратузилмасини яратишга қаратилгандир.

«Жаҳон» АА.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг босқичма-босқич ва изчил усули муваффақиятли тарзда амалга оширилиб, узоқ муддатли тараққиёт истиқболларининг ёрқинлиги ҳамда Ўзбекистон миллий саноатни ривожлантириш ва экспорт стратегиясини ишлаб чиқишдан манфаатдор эканини намойиш этади.

Мамлакатда қулай инвестиция муҳитининг яратилиши Ўзбекистондаги тузилмавий ислоҳотларни жадаллаштиришнинг асосий омили бўлди, дейди Ф. Жианг.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳаётга татбиқ этила бошлагани нафақат инқирозга қарши туриш ва унинг иқтисодиётга салбий таъсирни камайтириш, балки инқироздан сўнг янада кучли, барқарор ва мутаносиблашган иқтисодиётни яратиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзини юксалтириш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади».

Хитойнинг Циньдао шаҳри Савдо-саноат палатаси раиси Суй Жэннинг таъкидлашича, ўтган йиллар давомида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришилган муваффақиятлар, иқтисодиётнинг жадал суръатда ўсиши, аввалambor, Ўзбекистонда бир пайтлар амалга оширила бошланган чуқур ўйланган ва узоқни кўзловчи сиёсатнинг самараси бўлиб, у иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш ва диверсификациялаш, қисқа муддат ичида мамлакат учун янги бўлган соҳаларни ўзлаштириш, модернизация дастурини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий бозор инфратузилмасини яратишга қаратилгандир.

«Жаҳон» АА.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

"Қаршрадиатор" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилаётир.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

Шу пайтгача "Класс" комбайнлари ва "Мерседес-Бенц" автобуслари учун тайёрланаётган радиатор қисмлари хориждан келтирилган бўлса, эндиликда улар корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Мисол учун, бу ерда яқиндан бошлаб "Мерседес-Бенц" радиаторининг барча қисмларини, жумладан, мураккаб тузилишга эга бўлган мис найчаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошлоқ тумани кенгаши томонидан ёшларнинг касб малакасини ошириш, уларни иш билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар касбли бўлишди

Хусусан, кенгаш тасарруфидаги "Ёшлар ижтимоий хизмат маркази" ташаббуси билан ўтган йили бу ерда 1114 нафар йигит-қиз касб-корли бўлди.

— Ёшларимизда компьютер саводхонлигига қизиқиш катта, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Иқбол Ғафуров. — Шу боис уларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, тўгараклар сонини янада кенгайтириш, энг чекка қишлоқларда ҳам марказ филиалларини очиш ниятидамиз.

М. МАҲМУДОВ.

Шу кунларда Марҳамат туманидаги Полвонтош шаҳарчаси аҳолиси жуда мамнун.

Корхона ишга тушди

Гап шундаки, яқинда уларнинг мўъжаз шаҳарчасида йирик корхона — "Полвонтоштекстил" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ушбу корхона қурилиши учун 2 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Дастгоҳлар эса хориждан келтирилди.

Муҳими, бу ерда 250 нафар киши иш билан таъминланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшкўпир туманидаги "Хоразм-шифер" масъулияти чекланган жамиятида янги турдаги шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шифернинг янги тури

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Муҳими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот пишиқлиги билан ажралиб туради. Чунки янги турдаги шифер таркибига Хитой технологияси асосида шиша толаси ва целлюлоза қўшилаётир.

Ҳозир бу ерда 30 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар кунига 2 минг дона шифер ишлаб чиқаришаётир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўшработдаги «Фарида» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Пардахол Хидирова 24 нафар қишлоқ хотин-қизларини касаначилик асосида ишга жалб қилди.

«Фарида»нинг харидоргир маҳсулотлари

Ҳозирда улар келин-куёв либослари, зардўзлик буюмлари ҳамда спорт кийимлари тикишмоқда. Муҳими, ушбу маҳсулот бозорда ўз харидорини топди. Йил бошидан буён салкам 10 миллион сўмлик маҳсулот сотилганлиги бунинг тасдиғидир.

Шу кунларда тадбиркор банкдан олган кредити ҳисобига яна 20 та иш ўрни яратиш ниятида ҳаракат қилмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФИДОЙИЛИК, ИЗЛАНУВЧАНЛИК ВА ФАОЛЛИК

Ўз касбига ана шундай муносабатда бўлганлар Президент совғаси ва эътирофга сазовор бўлдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма залларини айланар экансиз, жорий йилда фермерлар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар тури анча кенгайганига гувоҳ бўласиз. Мева-чева, сабзавот-полиз маҳсулотлари, парранда гўшти ва тухум, дудланган гўшт ва колбаса маҳсулотлари, қадоқланган сут ва сут маҳсулотлари, балиқ ва асал, қоракўл тери ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шулар жумласидандир.

— Бизнинг "Чорвадор" фермер хўжалигимиз жамоаси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади, — дейди қумқўрғонлик фермер Раҳмиддин Шаропов. — Ҳозир қўрамизда 450 бошга яқин қорамол бор, 3 минг бош парранда парваришлаяпмиз. Сутни қайта ишлашни йўлга қўйгач, даромадимиз янада ошди. Мижозларимизга шартнома асосида 6 турдаги сут маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Исроил ва Россия давлатларидан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис, уларга талаб тобора ортиб бормоқда.

Соат 18:00. "Туркистон" санъат саройида карнай-сурнай наволари билан "Ташаббус — 2009" республика кўрик-танлови қатнашчилари ва меҳмонлар кутиб олинди. Ҳамма ҳаяжонда. Узоқ кутилган ғолиблар номини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бошланди. Залда давомли қарсаклар янграйди. Барчанинг хаёлида бир савол: мукофотлар кимларга насиб этаркан?

Сухандонлар бирин-кетин ҳайъат аъзоларининг хулосаси — совриндорлар номини эълон қила бошлади. Гал олий мукофот соҳибларини чорлашга келди. Ва, ниҳоят, улар сахнага чиқдилар. "Ташаббус — 2009" республика кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" деб Андижон вилоятидаги "Барчиной" хусусий корхонаси раҳбари Раҳимберди Раҳимов топилди. "Йилнинг энг яхши фермери" деган номга Сурхондарё вилоятидаги "Чорвадор" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Шаропов лойиқ кўрилди. "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши ғолиблиги бухоролик заргар Алишер Ҳайдаровга насиб этди. Ғолибларга "Матиз" автомобиллари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

— Президентимиз совғасини олиш — нафақат шу залда ўтирган ишбилармонларнинг, балки мамлакатимизда меҳнат қилаётган ҳар бир тадбиркорнинг энг улкан орзусидир, — дейди кўрик-танлов ғолиби, тадбиркор Раҳимберди Раҳимов ҳаяжонини яшира олмай. — Бугун мен ана шу шарафга эришганимдан бениҳоя хурсандман. Биз, тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлаётган, имтиёзлар бериб, фаолиятимизни кенгайтиришга шарт-шароит яратиб бераётган муҳтарам Президентимиздан миннатдормиз. Олий мукофотни бугунга қадар бажарган ишларимиз учун эмас, балки жамоамизнинг келгусидаги улкан ишлари учун рағбат ўрнида қабул қиламан. Албатта, бу юксак ишончни оқлаб, жамоамиз билан иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Совринлару мукофотлар муборак бўлсин, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар! Ташаббус кўрсатишдан ҳеч қачон толманг!

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишбилармонларнинг турли йўналишларда, жумладан, савдо, сармоя, нефть-газ, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора кучайтирмоқда. Ташриф давомида Самарқанд ва Бухорода ҳам бўлдик. Бу гўзал тарихий шаҳарлар, шунингдек, пойтахтингиз Тошкент бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Анжуманда Уммоннинг қатор йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани ҳам ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нечоғли катта эканидан далолатдир. Хусусан, «Al Shanfari Trading», «Mohamed Abdullah Moosa», «Al Issa», «Al Khonji Group», «Mazoon», «Assarain Enterprise», «Al Barvani», «Muskat», «Oman» каби компаниялар вакиллари юртимиз бозорида ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Уммон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Тадбир қатнашчилари бир-бирининг имкониятлари билан танишиб, ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон-Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

БЕШИНЧИ БУТУНЖАҲОН СУВ ФОРУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Сув энергия учун — энергия сув учун» мавзуидаги давра суҳбати ва вазирлар конференцияси давомида Швейцария, Франция, Норвегия, Голландия, Сурия, Ироқ, Уругвай, Эфиопия, Ҳиндистон, Конго Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика вазирлари экология ва қўшни мамлакатларга зарар етказмаслик кафолати билан трансчегаравий сув оқимларида ва гидроиншоотлар қуришда сувни адолатли тақсимлаш, яқин атрофдаги мамлакатлар аҳолисига етказиладиган оқибатлар ҳисобга олинмай сувни товарга айлантириб, ундан алоҳида бир мамлакатнинг сиёсий мақсадлари ва миллий манфаатлари йўлида фойдаланмаслик принципларини халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди.

БМТнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Европа Иқтисодий Комиссияси раиси ўринбосари Сильвия Вермонт трансчегаравий сув ресурсларидан амалда фойдаланишда Конвенциянинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

— Трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш борасида ҳамкорлик қилиш ва қўшма органларни ташкил этишга Конвенцияга қўшилган мамлакатлар мисол бўла олади, — деди у.

Араб Давлатлари Лигаси президенти М. Абдил-Ҳалим Абу Саид, ўз навбатида, «инсоният яшашининг муҳим воситаси сифатида сувдан фойдаланиш бўйича халқаро гуманитар ҳуқуқни кучайтириш зарур»лигини таъкидлади.

Анжуманда ўтган кескин мунозаралар чоғида айрим делегациялар раҳбарлари Форум ташкилотчилари томонидан тайёрланган Вазирлар Баёноти лойиҳасини танқид қилди. Уларнинг фикрига кўра, ушбу ҳужжатда инсоннинг сувдан фойдаланиш, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш етарлича акс эттирилмаган.

Осиё-Тинч океани сув форуми вице-раиси Равви Нараян ўз ҳудудларида трансчегаравий дарёларга эга давлатларнинг ҳамкорлиги аҳамияти ҳақида гапирар экан, «дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар қуйи қисмида жойлашган давлатларга етказилган зарарни камайтириши ёки унинг ўрнини тўлдириши зарур»лигини қайд этди.

Форум якунлари бўйича Вазирлар Баёноти қабул қилинди. Унда, чунончи, «сув ресурсларига бўлган эҳтиёжни бошқаришни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги, жумладан, зарур соҳаларда сувдан унумли ва самарали фойдаланиш, суғориш тармоқларини қуриш, шунингдек, тез кўпайиб бораётган аҳоли учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, истеъмол тузилмасини ўзгартириш, айниқса, қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилаш учун ҳосилдорликни ошириш ҳамда сувни тежаш мақсадида лалмикор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» бўйича халқаро миқёсда чоралар кўрилиши қайд этилган.

Баёнотда, шунингдек, мамлакатларнинг сув билан боғлиқ турли тармоқлардаги ўз ривожланиш лойиҳалари иқтисодий жиҳатдан асосли, экологик барқарор, ижтимоий жиҳатдан адолатли бўлса ва бошқа давлатларга зарар етказмаса, уларни амалга ошириш мумкинлиги қўллаб-қувватланган.

Қабул қилинган Баёнотда шундай дейилган: «Биз мавжуд ташкилотларни мустаҳкамлаш ва янгиларини ривожлантириш борасида ишлаймиз, зарурат туғилганда эса вазиятдан келиб чиқиб, трансчегаравий сувларни бошқаришни яхшилашга оид воситаларни жорий этамиз.

Биз глобал ўзгаришларнинг сув ресурслари, табиий гидрологик жараёнлар ва экотизимларга таъсирини теранроқ англашга интиламиз. Биз экологик оқимни сақлаш, барқарорликни ошириш ва емирилган экотизимларни қайта тиклаш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Биз сув ресурслари, сув инфратузилмаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кафолатловчи халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қиламиз».

Форумда Табиатни муҳофаза қилиш фонди мамлакатимиз делегациясига халқаро сув сиёсати соҳасида Ўзбекистон Республикаси етакчи эканлиги эътироф этилган дипломни топширди.

Бешинчи бутунжаҳон Сув форуми якунлари дунёда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича жиддий ташвиш мавжудлигидан далолат беради. Форум хулосалари эса Марказий Осиё минтақасида ҳозирги ва келаси авлодлар учун сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш каби ҳаётий муҳим масалада Ўзбекистон нуқтаи назарининг асосли эканини ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

(ЎзА).

2009 йил 21 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран:

I. Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Самарқанд шаҳри, 8 Март кўчаси, 8-уйда жойлашган, майдони 32,88 кв.м. бўлган ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли 8-сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 21 989 300 сўм.

2. Самарқанд шаҳрининг «Сиёб деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, майдони 39,31 кв.м. бўлган ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли 10-сонли савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 26 289 700 сўм.

3. Самарқанд шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 15-уй, 21-хонадонда жойлашган, майдони 63,03 кв.м. бўлган ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли 3 хонали турар-жой.
Бошланғич баҳоси — 33 375 714 сўм.

4. Самарқанд шаҳрининг Бедил кўчасида сақланаётган, «Парвина-Юнипак» универсал ўрама материаллари ишлаб чиқариш марказига қарашли ускуналар.
Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.

5. Самарқанд шаҳрининг Бедил кўчасида жойлашган, «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга тегишли асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 7489,14 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 1 697 899 770 сўм.

6. Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 2610,71 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 327 163 039 сўм.

7. Самарқанд шаҳрининг Чўпонота масканида жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли асфальт-бетон заводининг асбоб-ускуналари.
Бошланғич баҳоси — 287 651 429 сўм.

8. Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли цемент-бетон заводининг қурилиш майдони 2512,59 кв.м. бўлган бино ва қурилмалари ҳамда асбоб-ускуналари мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 509 002 310 сўм.

9. Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган «СУ-855» МЧЖга тегишли қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 218 761 400 сўм.

10. Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 35-уйда жойлашган, фуқаро П. Абдуллаевага тегишли умумий майдони 1523 кв.м., қурилиш майдони 210,31 кв.м. бўлган 1 қаватли ертўлали дала ҳовли.
Бошланғич баҳоси — 22 321 100 сўм.

11. Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 37-уйда жойлашган, фуқаро Г. Зияевага тегишли, умумий майдони 1849,6 кв.м., қурилиш майдони 91,7 кв.м. бўлган 2 қаватли дала ҳовли.
Бошланғич баҳоси — 26 116 300 сўм.

12. Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 33-уйда жойлашган, фуқаро Н. Қодировага тегишли, умумий майдони 2145,5 кв.м., қурилиш майдони 298,06 кв.м. бўлган дала ҳовли, 1 ва 2 қаватдан иборат 3 та бино.
Бошланғич баҳоси — 196 492 300 сўм.

13. Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 31-уйда жойлашган, фуқаро А. Абдусалямовга тегишли, қурилиш майдони 103,33 кв.м. бўлган 2 қаватли дала ҳовли ҳамда Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 31, 33, 35, 37-уйларда сақланаётган маиший техника ва мебеллар, кондиционер, диван, шифонер ва телевизор мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 32 994 000 сўм.

14. Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган, «Мадрид интер плюс» МЧЖга қарашли ғишт ишлаб чиқариш заводининг қурилиш майдони 3278,02 кв.м. бўлган бинолари ҳамда ускуналари ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 935 339 000 сўм.

15. Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-уйда жойлашган «Парвина-суғурта» МЧЖга тегишли мол-мулклар, хизмат хонаси жиҳозлари.
Бошланғич баҳоси — 4 209 212 сўм.

16. Самарқанд туманининг Чўпонота масканида жойлашган МЧ «ТРИО» СИЧКга тегишли мол-мулклар, маиший техникалар ҳамда қурилиш майдони 1978,26 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 336 446 016 сўм.

17. Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчасида жойлашган, умумий майдони 18000,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Парвина» спорт-соғломлаштириш мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 1 805 697 000 сўм.

18. Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш майдони 345,84 кв.м., фойдаланиш майдони 1198,45 кв.м. бўлган «Найт» СИЧФга тегишли 3 қаватли гўзаллик салони.
Бошланғич баҳоси — 1 059 244 800 сўм.

19. Тайлоқ туманининг Деҳқонобод қишлоғида сақланаётган, «Парвина» агрофирмасига қарашли 3 куб.метрлик цистерна (ишлатилган).
Бошланғич баҳоси — 616 462 сўм.

20. Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғида сақланаётган, «Парвина» СИЧШФга қарашли, давлат белгиси 44-45СН бўлган техник носоз ҳолатдаги совутгич-тиркама.
Бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.

21. Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғида сақланаётган, «Парвина» СИЧШФга қарашли, давлат рақами 14AI520 бўлган, техник носоз ҳолатдаги «Отойўл 80-12» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 879 000 сўм.

22. Самарқанд тумани, Гулобод қишлоғида сақланаётган, «Парвина» СИЧШФга қарашли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз ҳолатдаги автокар.
Бошланғич баҳоси — 510 000 сўм.

23. Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда сақланаётган, «Парвина-қурувчи» МЧЖга қарашли, давлат рақами 14AA189 бўлган, техник носоз ҳолатдаги «ГАЗ-66» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 140 400 сўм.

24. Самарқанд шаҳри, Аэропорт ҳудудида сақланаётган, «СУ-855» МЧЖга қарашли, техник соз ҳолатдаги, 1985 йилда ишлаб чиқарилган «ГСФ-100 М» русумли генератор.
Бошланғич баҳоси — 1 980 000 сўм.

25. Самарқанд шаҳри, Аэропорт ҳудудида сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз ҳолатдаги «Парвина-қурувчи» МЧЖга қарашли «КБ 308» русумли минорали (башенный) кран.
Бошланғич баҳоси — 14 490 000 сўм.

26. Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Қундисўфи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 816,44 кв.м. бўлган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли дорихона ва савдо мажмуаси бинолари.
Бошланғич баҳоси — 127 596 790 сўм.

27. Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Қундисўфи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 37,05 кв.м. бўлган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли дўкон биноси.
Бошланғич баҳоси — 6 173 153 сўм.

28. Самарқанд шаҳри, Бедил кўчаси 12-уйда жойлашган, умумий майдони 970,68 кв.м., қурилиш майдони 102,65 кв.м. бўлган, «Камол» СИЧФга тегишли АЁҚШ.
Бошланғич баҳоси — 41 000 000 сўм.

29. Самарқанд шаҳрининг Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий майдони 4267,83 кв.м., қурилиш майдони 153,75 кв.м. бўлган, «Парвина» МЧЖга тегишли павильон биноси ва кабобхона.
Бошланғич баҳоси — 169 623 000 сўм.

30. Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 606,0 кв.м. бўлган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли 2 қаватли уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 122 500 000 сўм.

31. Самарқанд шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 36-уйда жойлашган, умумий майдони 814,0 кв.м., қурилиш майдони 529,8 кв.м. бўлган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли, қурилиши тугалланмаган 1 қаватли уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 41 808 112 сўм.

32. Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-«Б» уйда жойлашган, ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли, қурилиш майдони 540,0 кв.м. бўлган 3 қаватли бош офис биноси, қурилиш майдони 362,86 кв.м. бўлган 1 қаватли офис биноси ҳамда асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарлар мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 1 718 229 972 сўм.

33. Тайлоқ тумани, Давлатобод қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 5656 кв.м. бўлган, «Парвина» фермер хўжалигига тегишли бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 64 283 000 сўм.

34. Оқдарё тумани, Чорҳуй қишлоғида жойлашган, «Парвина М» МЧЖга тегишли чорвачилик комплексининг қурилиш майдони 5452,2 кв.м. бўлган кўчмас мулклари ҳамда асбоб-ускуналари мулкий мажмуа сифатида.
Бошланғич баҳоси — 112 947 000 сўм.

II. Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ва Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2008 йил 6 июндаги 14-08-10/2614(11)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Самарқанд тумани, Гулобод қўрғони ва Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган, умумий майдони 8516,88 кв.м., қурилиш майдони 2523,98 кв.м. бўлган, «Парвина М» МЧЖга тегишли бинолар ҳамда асбоб-ускуналар ва хона жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 2 709 221 976 сўм.

Мулклар билан суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Самарқанд вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452071, МФО: 00264, ИНН: 200933850.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.
Телефонлар: (8-366) 233-80-56, 233-80-11.
www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!


Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси боскичма-боскич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, улгуржи базалар, ҳунармандлар, истеъмолчилар диққатига!



Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, республика ҳудудида жойлашган улгуржи ва чакана савдо корхоналари билан товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги узвий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносида шу йил 7-11 апрель кунлари

«Ёғмойозиқовқатсаноат», «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, Республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2009 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, маиший техника, қоғоз буюмлар, маданий ва хўжалик молларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича










Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» уюшмаси.

Телефонлар: 239-48-26, 239-46-03, 239-10-93, 239-46-97.

242R/370

Наврўз туҳфаси

Мамлакатимизда Наврўз байрами шукуҳи кезиб юрган айни кунларда тадбиркор Хурсаной Исломова хайрли бир ташаббус билан чиқди.

Фахрийлар эъзозда

У Фарғона шаҳридаги Ёшлар маҳалласида ҳар бир хонадонга байрам кириб боришини таъминлайдиган режа ишлаб чиқди. Бунга кўра, тадбиркорлар ҳомийлигида маҳаллада истиқомат қиладиган 11 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бошоёқ кийим-кечак совға қилинди. Шунингдек, 30 нафардан зиёд боқувчисини йўқотган ногирон, кам таъминланган оилалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан сийланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бежирим либослар

Учқудуқ туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис хизмати кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наврўз байрами кунлари 17 та маиший хизмат кўрсатиш ва савдо нуқтаси фойдаланишга топширилди.

"Зулхумор-Музаффар" хусусий фирмаси – шулардан бири. Бу ерда тикувчилик цехи ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. Бунинг учун 110 миллион сўмлик замонавий тикиш-бичиш ускуналари ва кийимларни кимёвий тозалаш технологиялари олиб келиб ўрнатилди. Унинг 70 миллион сўми "Микрокредитбанк"нинг туман филиали томонидан молиялаштирилди.

Комила СОДИҚОВА.



X-TRAIL
Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL –
Ваш пропуск в мир незабываемых технологий.
NISSAN
SHIFT_capabilities

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане – компании Premium Auto. 295 88 77
Цена от $* 51 000, гарантия – 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК
*Цены указаны с учетом таможенных платежей.

80R/84


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ
2009 йил 13 мартдан № ТВ-08-11-10-2009/1
рақамли реестрни тасдиқлади.

Хўжалик юритувчи монополист корхонанинг номи	Маҳсулот, ишлар, хизматларнинг номланиши ва қисқача таснифи	Тури, артикул маркаси ёки модель рақами	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм (ҚҚСсиз)
«O'zbekko`mir» ОАЖ	Электр энергиясини улгуржи истеъмолчиларга узатиш, тақсимлаш ва қайта шакллантириш	Электр энергияси	1 кВт/соат	7 сўм 68 тийин

133M/457

Товар сертифицирован
INTEGRAL ASIA
Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан
DELL™

... от карманных компьютеров до серверов...



3 года полной гарантии !!!
Технологии, обеспечивающие уверенность
Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.



FIAT GROUP

NEW HOLLAND TL5060

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

NEW HOLLAND AGRICULTURE

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ – БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- **қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;**
- **барча пайвандлаш хизматлари;**
- **мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.**

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

89H/139

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор
Омон ҲИКМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O'zbekiston" телерадиоканали ДУК "Ассалом Ўзбекистон" студияси бош муҳаррири Иқбол Мирзога турмуш ўртоғи
Гулнора АКБАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекэнерго" ДАК раҳбарияти ва жамоаси "Навоий иссиқлик электр станцияси" ОАЖ бош муҳандиси Самад Файзиевга отаси
Ҳамид ФАЙЗИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Иқболжон Мирзаалиевга умр йўлдоши
Гулнора АКБАРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси жамоаси Интеллектуал мулк объектлари муҳофазасини ҳуқуқий таъминлаш бўлимининг мудири Абдулазим Ўроловга акаси
Абдусаттор ЎРОЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.


"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Темур Саидович Азимовга волидаи муҳтарамаси
АСОЛАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ *«Тез пул ўтказиш» хизмати* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24, САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Қадрият

Полвоннинг издошлари

Чироқчилик Абдурашид полвон етмиш ёшида ҳам кураш тушаяпти, десак, кимдир ишонади, кимдир йўқ. Аммо бу — ҳақиқат. Давраларда шунча йилдан буён бел олишиб, элнинг суюкли полвонига айланган бўлса-да, бирор бир унвон ёки мукофотга сазовор бўлмаған эди. Ҳуррият насимлари эса бошлагач, Юртбошимиз ташаббуси, жонкуярлиги билан миллий курашимиз жаҳонда энг севимли спорт турига айланди. Дунё курашни тан олди, кураш эса Абдурашид полвонни...



2004 йилда қўшни давлатда самбо бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Абдурашид полвон Мирзаев илк бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

— Ўшанда негадир кўзларимга ёш қуйилиб келди, — дейди полвон. — Бу севинч ёшлари эди. Бу олтмиш беш ёшни қаршилаган кекса бир полвонга Истиқлол берган иноят эди. Ўн ёшимдан буён кураш тушиб, давраларда олқиш олган бўлсам-да, чемпионлик мен учун биринчи мукофот эди. Биринчи ютуқ — қадрли. Тўғри, тўй давраларида кураш тушиб, машҳур полвонлар курагини ерга текизганман. От, туя, ҳўкиз, зарбоф тўн дейсизми, қўйингки, олмаган совриним қолмаган. Аммо мен учун ҳаммасидан афзали — жаҳон чемпиони деган ном. Эҳ-ҳе, бу номга эришиш учун қанчадан-қанча довонларни босиб ўтишимга тўғри келди.

2005 ва 2007 йилларда Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий соврини учун кураш бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳам Абдурашид полвон ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Шу тариқа у кураш бўйича фахрийлар ўртасида уч карра жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.

— Кексалик — бекорчилик эмас, — дейди полвон. — Айниқса, билагида кучи, юрагида ўти бор инсон эл-юрт учун нимадир қилгиси келади. Ўзидан из қолдиришни ўйлайди. Мен эса юртда полвонлар кўпайишини истайман. Йигитларимиз Ўзбекистон байроғини дунёнинг ҳар бир чеккасида баланд кўтарса дейман. Юртбошимиз миллий курашимизни дунёга тан олдириб, миллатимиз шаън-шавкатини юксакларга кўтариб турган пайтда биз каби полвонлар чойхонага безак бўлиб турсак ярашмайди-да. Чироқчининг "Ҳумо" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Районобод қишлоғида эскирган, қаровсиз ҳолга келиб қолган клуб бор эди. Раҳбариятнинг кўмаги билан мазкур бино 2002 йилда биз ташкил этган "Абдурашид полвон Мирзаев" кураш клубига берилди. Бу хабар қишлоқ ёшларини жуда мамнун этди.

— Ҳозирги вақтда Районобод қишлоғидаги кураш клубида спортнинг кураш ва бошқа турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди "Ҳумо" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мустафо Холиқов. — Абдурашид полвоннинг ташаббуси, вилоят ва туман ҳокимликлари кўмаги билан кураш гиламлари, турли спорт анжомлари келтирилди. Эндиликда кураш клуби ёшларимизнинг энг севимли масканига айланган. Абдурашид полвон ёшларимиз қалбида спортга, миллий курашга иштиёқ уйғотмоқда.

Отахон миллий кураш, самбо, дзюдо сир-асрорларини шогирдларига қунт билан ўргатади. Ўргатгани сайин кўнгли таскин топади. Неча-неча асрлардан буён миллатимиз шаъни, ғурури бўлган миллий кураш авлоддан авлодга ўтаётганидан қувонади. 2007 йил 24 июлдан 4 августга қадар Францияда Президент Ислом Каримов халқаро турнирида иккита шогирди муваффақият қозонганида, нечоғли қувонганини айтмайсизми. Муҳаммад Халилов ва Аъзам Бозоров мазкур турнирнинг кумуш медали соҳибига айланишди.

— Францияда бўлганимизда улар ўзларининг анъанавий қум курашига таклиф этишди, — дейди Абдурашид полвон. — Француз беллашув жудаям қизиқарли экан. Шогирдларим Муҳаммад Халилов ва Аъзам Бозоров барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунда бу курашда ёш танланмаслиги мени қизиқтириб қолди. Майдонга чиқдим. Испаниялик ёшлар билан беллашдим. Буни қарангки, олтин медалга сазовор бўлдим. Шунда бир французлик спорт мутахассисининг "Бу юртнинг полвонлари қаримас экан", дегани ҳамон ёдимда.

Кураш клубининг яна бир аъзоси Билолжон Аҳмедов 2006 йилда Англияда ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда бронза медални қўлга киритди. 2006 йилда Россия Федерациясининг Тверь шаҳрида миллий кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Санжар Рўзиқулов бронза медаль соҳиби бўлди. 2008 йилда Фарғонада 1992-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича ўтказилган республика биринчилигида Шаҳло Эшназарова барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Сурайё Нурманова ҳам Қарши шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланди. Бу ютуқлар Абдурашид полвонни ғурурлантиради, кўнглини кўтаради.

Фахриддин БОЗОРОВ.

Спорт • Sport • Спорт

Ёш боксчилар беллашди

Қарши шаҳрида 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича республика биринчилиги ўтказилди.

Унда Жиззах вилояти спортчилари 11 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар. Жумладан, А. Бадалов, А. Эшпўлатов, Ш. Хидиров, А. Қурбонбоев ва С. Сувонов ўз вазн тоифаларида олтин, Ж. Мелиев ҳамда Ж. Маҳмудов эса кумуш медали совриндори сифатида вилоят терма жамоаси ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олтин медаль зарафшонликларда

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионатининг олтинчи тур баҳслари ўтказилди.

Ушбу турдаги ҳал қилувчи ўйин Тошкентнинг "Ардус" ва "Строитель-Зарафшон" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашув олдидан тўплар нисбатига кўра, биринчи поғонада бораётган зарафшонлик футболчиларни дуранг натижа ҳам қониқтирарди.

Шу куни "Ардус" футболчилари ҳар қанча уринишмасин, ғалаба қозонишга муваффақ бўла олмадилар. Аксинча, сўнгги дақиқаларда ҳисоб 2:2 бўлиб турган пайтда тошкентликлар эътиборларини ҳужумга қаратиб, ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди — 2:3.

Шундай қилиб, зарафшонлик "чарм тўп" усталари илк бор мамлакат чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари, "Строитель-Зарафшон" жамоаси клублар ўртасидаги Осиё чемпионлар лигасида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Мамлакат биринчилиги якунланди

Жиззах шаҳрида ўсмирлар ўртасида волейбол бўйича мамлакат биринчилиги якунига етди.

Унда саккиз жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга чиқди. Гуруҳ ғолиблигини қўлга киритган андижонлик ўсмирлар финал баҳсларини тошкентлик тенгқурларига қарши олиб борди. Муросасиз курашлар остида кечган ўйин 3:0 ҳисобида андижонликлар фойдасига ҳал бўлди.

"Андижон" жамоасининг сардори Бобур Зайниддинов "Энг яхши ҳужумчи", Муҳаммаджон Умаров эса "Энг яхши ҳимоячи" деб топилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛГАН АВЛОД

Нукусдаги Бердақ номидаги 3-академик лицей ҳудуддаги энг намунали ўқув масканларидан бири саналади. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ушбу ўқув даргоҳидаги қулай ва замонавий шарт-шароит, янгича ўқитиш услуби ва бунинг натижасида эришилаётган ютуқлар мисолида ўз тасдиғини топмоқда.

Чунончи, мазкур лицейда ўқитувчилар илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда дарс машғулотларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратадилар. Бу ерда ақлий ҳужум, кластер, синквейн сингари янгича услубий воситалардан кенг фойдаланилаяпти. Айниқса, ёш мутахассислар малакасини ошириш борасидаги амалий чора-тадбирлар диққатга сазовордир.

— Бундан уч йил муқаддам ўқув муассасамиз қошида "Устоз-шогирд" маркази иш бошлаган эди, — дейди лицей директори Г. Қаллибекова. — Марказнинг педагогика кенгашида тасдиқланган режага мувофиқ, ёш мутахассисларимизнинг салоҳияти ва касбий маҳоратини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки билимдон ёшларни тарбиялаш учун, энг аввало, ўқитувчининг ўзи чуқур билим ва малакага эга бўлиши керак.

Лицейда тўрт йўналиш — аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда чет тиллари бўйича билим берилмоқда. Кимё, биология, физика фанларига мўлжалланган лаборатория хоналари, компьютер синфлари, шунингдек, муҳташам спорт мажмуаси ўқувчилар хизматида. Шу боис лицей ёшлари спорт соҳасида ҳам сезиларли ютуқ ва муваффақиятларга эришмоқдалар. Хусусан, каратэ бўйича Қорақалпоғистон чемпиони Саломат Ерниязов, муай-тай бўйича бир неча нуфузли мусобақалар ғолиби Мийирбек Қиличбоев, Азиза Ортиқова, енгил атлетикачи Айгул Тожимуратова каби нафақат лицей, балки мамлакат миқёсида танилган ёшларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг издошлари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Таълим

Ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ўмушга жалб этиш борасида фан тўгараклари ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, "Фандаги илк қадамлар", "Олтин қўллар" тўгарак машғулотлари қўплаб истеъдодли ёшларни кашф этишга хизмат қилаётир.

Ўқув даргоҳи қошидаги ахборот-ресурс маркази қисқа вақт ичида энг гавжум масканга айланиб улгурди. Унинг умумий китоб фонди 31422 дона бўлиб, шундан 6388 тасини дарсликлар ташкил этади. Олтмиш ўринга мўлжалланган катта ва кичик ўқув заллари китобсеварлар хизматида. Бу ерда компьютер, интернет сингари қулайликлар мавжуд. Ёшлар "ZiyoNet" ахборот тармоғига уланиб, жаҳон миқёсида рўй бераётган янгиликлардан бохабар бўлишлари мумкин. Қувонарлиси, ўтган йили марказ "Экосан" халқаро ташкилоти кўмагида 120 дона турли дарслик ва услубий қўлланмалар билан бойиди.

Бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг маънан баркамол, мустаҳкам билим ва кенг дунёқарашга эга шахс бўлиб вояга етишида ушбу таълим масканидаги соғлом муҳит, малакали педагоглар тажрибаси ва ҳар томонлама қулай шарт-шароит беқиёс аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳат ёруғ келажакка интилган авлоднинг эртанги фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(1 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, кўннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, кечки пайт ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Эл саломатлиги йўлида

Наманган шаҳрида вилоят Сил касалликлари шифохонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

120 ўринга мўлжалланган мазкур иншоот қурилиши учун 676 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шифохонанинг иккинчи навбатида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Дарвоқе, мазкур муассаса тўла ишга тушгач, унга 500 минг евро миқдоридаги замонавий рентген аппарати ўрнатилиши режалаштирилган.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Рассом Ҳусан Солиқов ишлаган ушбу расм кеча Тошкентдаги фотолар уйида халқаро кулги кунига бағишланган кўргазмадан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилда умумтаълим мактабларига «Маънавият ва маърифат» хоналари ва ётоқхоналар учун телевизор (5-лот), ётоқхоналар ва спорт заллари учун шахмат-шашкалар (27-лот), тиббиёт хонаси учун музлатгичлар (29-лот), мактаб-интернатлар учун махсус мебель ва жиҳозлар (35-лот), мактаб-интернатлар учун устахона жиҳозлари (36-лот), фаоллар зали учун жиҳозлар (37-лот) ва спорт заллари учун жиҳозлар (38-лот) харид қилиш бўйича қайта тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар учун мактаб мебеллари ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ва оргтехникаларни (шу жумладан компьютер техникаси) етказиб бериш имкониятига эга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган, жумладан кичик бизнес субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:
- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- белгиланган муддат ичида саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлганлар;
- Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтказиладиган саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида жилдда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
- умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар ва маъмурий методик хоналар учун мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари (ёки камида 1 йилга ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
- талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Саралаш босқичи ўтказилиши муддати тендер комиссияси томонидан белгиланади.

Тендер комиссиясининг топшириғига мувофиқ ишчи органи ёки ишчи гуруҳи талабгорларнинг ишлаб чиқариш жойлари, ишлаб чиқариш қуввати, технологик ускуналари мавжудлиги ва тендер билан боғлиқ бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар, имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдолари тўғрисида ва маҳсулот нархларининг максимал нархи ҳақида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган «Ўқув таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига эълон чиққан кундан бошлаб (хафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 92-уй. Телефонлар: (8-371) 268-03-37, 267-71-73. Факс: (8-371) 268-03-37.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 250 000 (икки юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим:

банк махсус ҳисоб рақами: 20210000700101561002, АТ «Ипотекабанк»и «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, ИНН: 200524742, ОКОНХ 71100.

Тендер таклифлари «Тендер савдоларида иштирок этиш йўриқномаси»нинг 12.1-бандида кўрсатилган миқдордаги закалат пули билан бириктирилган бўлиши керак. Закалат пули тендер комиссияси ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича алоҳида ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (хафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2009 йил 29 апрель куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

332R/469

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 44780 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегматов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 00.30